

**ЖИНОЯТЧИЛИК ҲОЛАТИ ВА УНИНГ ПРОФИЛАКТИКАСИ  
СОХАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИСЛОҲОТЛАР ВА  
УЛАРНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ**

***Қодиров Диёрбек Дишиодбек ўғли***

*Узбекистон Республикаси ИИВ Академияси кундузги таълим 3-курс  
курсанти*

***Аннотация:*** Мазкур мақолада Ўзбекистонда жиноятчиликнинг олдини олиши тизимининг пайдо бўлиши ва истиқболлари, мавжуд вазият ва хусусиятлар, шунингдек, Ўзбекистоннинг ҳуқуқни муҳофаза қилиши тизими ва нормалари амалий жиҳатдан таҳлил қилинган.

***Аннотация:*** В данной статье анализируются возникновение и перспективы системы профилактики преступности в Узбекистане, современное состояние и особенности, а также правоохранительная система и нормы Узбекистана.

***Abstract:*** this article analyzes the emergence and prospects of the crime prevention system in Uzbekistan, the current situation and characteristics, as well as the law enforcement system and norms of Uzbekistan.

***Калим сўзлар:*** жиноятчилик, ҳуқуқбузарлик, институционал асослар, жиноятчиликни олдини олиши миллий тизими, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар.

**Ключевые слова:** преступность, правонарушение, институциональная база, национальная система профилактики преступности, органы, непосредственно осуществляющие профилактику преступности.

**Key words:** crime, offense, institutional framework, national system of crime prevention, bodies directly implementing crime prevention.

Мамлакатда конституция ва қонун устуворлиги, ҳар қандай ғайриижтимоий қилмиш учун жавобгарликнинг муқаррарлиги, адолат, инсонпарварлик ва меҳр-шафқат, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этиш, ҳуқуқ нормаларининг ахлоқ-одоб нормалари билан уйғулиги, тизимлилик, олдини олиш чоралари ва ишонтириш усулининг устуворлиги, таъсир кўрсатиш чора-тадбирларини фарқлаш ва якка тартибдаги ёндашиш, оилани қўллаб-қувватлаш ва у билан ўзаро ҳамкорлик қилиш, фаолиятнинг ошкоралиги ва шаффоғлиги, ахборот тақдим этишда фуқароларнинг ўз шаъни ва қадр-қимматини тажовузлардан, ўз шахсий ҳаётига аралашувлардан химоя қилишга бўлган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этиш, ҳаммабоплик, мустақиллик, холислик, ўзаро ҳурмат, манфаатларнинг инобатга олиниши ва масъулият, жабрланганларнинг камситилишига йўл қўймаслик принципларининг Ўзбекистон миллий ҳуқуқ тизимида мустаҳкамлаб қўйилганлиги ва амалиётда қўлланилаётганлиги ҳуқуқбузарликлар профилактикаси миллий тизимининг муҳим ўзига хос жиҳатларидан биридир.

Шунинг учун ҳам жиноятчилик ҳолати ва унинг профилактикасининг ҳуқуқий асослари деганда, биз жамиятдаги ижтимоий-иктисодий, сиёсий, маънавий- маърифий ва бошқа барча соҳаларидағи муносабатларни тартибга солувчи, давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини, жамоат ва бошқарув тартибини ҳамда ҳуқуқбузарликлар,

хусусан ижтимоий хавфли қилмишлар учун жавобгарликни белгиловчи нормаларни ўз ичига олган қонун ва қонун ости норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари тизимини тушунамиз.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, Ўзбекистонда мустақиллик йиллари жамиятда, унинг барча соҳаларидаги, хусусан инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини, барқарор тинчлик ва осойишталикни, тараққиётни, жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш, уларни ҳар қандай кўринишдаги таҳдид ва тажовузлардан ҳимоя қилиш, хусусан ҳуқуқбузарликлар профилактикасини тизимли амалга ошириш мақсадида босқичма-босқич мантиқий кетма-кетликда қонунлар, шунингдек уларнингижроси юзасидан қонун ости ҳужжатлари қабул қилиниб келинмоқда.

Ўзбекистонда жиноятчилик ҳолати ва унинг профилактикаси соҳасидаги ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш асосий мақсади ҳисобланган Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги 2014 йил 14 май қонунининг қабул қилиниши бу соҳадаги ислоҳотларни янги бир босқичга кўтарди. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг институционал асослари – қонун ва қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда кўрсатилган ваколатлар доирасида жамиятда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси сиёсатини ишлаб чиқиш ва унинг асосида мунтазам равишда комплекс маънавий-маърифий, ижтимоий, тарбиявий-профилактик, маъмурий ва бошқа ҳуқуқий чоратадбирларни амалга ошириш бўйича ҳамкорликда фаолият олиб борувчи давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари тизимиdir.

Юқорида таъкидланганидек, мустақиллик йилларида Ўзбекистонда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси сиёсатини белгиловчи бугунги қундаги икки палатали Олий Мажлис (парламент) ва Президентлик институти босқичма-босқич амалга оширилган ислоҳотлар натижасида мутлақ янги мазмун-моҳиятга эга бўлган ҳолда шаклланди. Ҳуқуқбузарликлар

профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ва муассасалар миллий тизимининг шаклланишига Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Ислом Каримовнинг ташаббуси билан илк қадамлар мустақиллик арафасида кўйилган. Ўзбекистоннинг биринчи Президентининг 1991 йил 25 августдаги Фармонига асосан мамлакатда вужудга келган ахволни эътиборга олиб ва республика манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида:

- 1) Республика Ички ишлар вазирлиги ва Давлат хавфсизлиги комитети Ўзбекистон ССРнинг қонуний тасарруфига олинди;
- 2) Уларнинг асосий мажбуриятлари сифатида Республика ва унинг фуқаролари хавфсизлигини, манфаатларини муҳофаза қилиш белгиланиши назарда тутилди;
- 3) Республика ҳудудида жойлашган СССР ИИВнинг ички қўшинлари бевосита Ўзбекистон ССР Президентига бўйсундирилди;
- 4) Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги тўғрисидаги Конун лойиҳасини тайёрлаш ва уни муҳокама учун тақдим этиш таклиф қилинди ;
- 5) Ўзбекистон ССР Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлиги комитети, прокуратураси ва адлия органлари, шунингдек, республика ҳудудида жойлашган ички қўшинлар, Туркистон ҳарбий округи қисмлари ва қўшилмалари партиядан холи қилинди ва ҳ.к.

Мустақиллик йилларида босқичма-босқич, мантиқий кетма-кетликда ҳукуқбузарликлар профилактикаси сиёсати ўз маънавий асосларига тўлиқ мос келадиган ва уларни ҳаётга самарали жорий этиб келаётган органлар ва муассасалар тизими шаклланди ҳамда у бугунги қунда янада тақомиллаштирилмоқда. Айни пайтда Ўзбекистонда жиноятчилик ҳолати ва унинг профилактикаси миллий тизимининг институционал асосларини ташкил этувчи орган ва муассасаларни ўз ҳукуқий мавқеи ҳамда ваколатларидан келиб чиқсан ҳолда қуйидаги уч гурухга ажратиш мумкин:

- ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат ва худудий дастурларини, иқтисодий ва ижтимоий-маданий ривожланиш соҳасида тегишли, хусусан аҳолининг ижтимоий муҳофаза қилинишини таъминлашга, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳимоя қилинишини таъминлаш чора-тадбирларни ишлаб чиқувчи, шунингдек бу соҳада ҳамкорлигини таъминловчи органлар;

–хуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ва муассасалар;

–хуқуқбузарликлар профилактикасида иштирок этувчи орган ва муассасалар.

Биринчи гурӯхга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларини киритиш мумкин. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида қўйидаги:

ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурларини ишлаб чиқиши, тасдиқлаш ва амалга оширилишини таъминлаш;

ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимининг самарали ишлаб туришига қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиши ва қабул қилиши;

иқтисодий ва ижтимоий-маданий ривожланиш соҳасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир тегишли чора-тадбирларни кўриш;

ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда муассасаларнинг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга оширади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида:

хуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этиш;

хуқуқбузарликлар профилактикасига доир худудий дастурларни ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва амалга ошириш;

аҳолининг ижтимоий муҳофаза қилинишини таъминлаш, қонунийлик ва хуқуқ-тартиботни, фуқароларнинг хуқуқлари ва эркинликлари ҳимоя қилинишини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни кўриш;

тегишли худудда хуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда муассасаларнинг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга оширади8.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, биринчидан, кенг қамровли профилактик тадбирларни мамлакат, шу жумладан алоҳида ҳудудлар миқёсида тизимли равища режалаштириш ва амалга оширишни, иккинчидан, хуқуқбузарликлар профилактикасига давлат ва худудий дастурларига киритилган барча тадбирларни молиявий ресурслар билан, учинчидан, бу соҳада хуқуқбузарликлар профилактикаси бевосита амалга оширувчи ва иштирок этувчи органлар ҳамда муассасалар ҳамкорлигини хуқукий, институционал ва моддий-техник жиҳатдан, тўртинчидан, бу соҳада давлат органлари билан фуқаролик жамияти институтларининг ижтимоий шерикчиликдаги фаолиятини, айниқса уларнинг ташаббусларини, илғор лойихаларини қўллаб-қувватлаш, рағбатлантиришни таъминлайди.

Иккинчи гуруҳга бевосита ички ишлар, прокуратура, Миллий хавф-сизлик хизмати, адлия, давлат божхона хизмати, давлат солиқ хизмати, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси органлари, шунингдек таълимни давлат томонидан бошқариш ва таълим муассасалари

ҳамда давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасаларини киритамиз. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасалар: ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этиш; асосий фаолият йўналишлари бўйича ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир дастурларни ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва амалга ошириш; ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ҳамда унда иштирок этувчи бошқа органлар ва муассасалар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш ваколатларига эга. Бу эса ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи барча органлар ва муассасаларнинг, биринчидан, ҳар бирининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат ва ҳудудий дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда тенг иштирок этиш имкониятини бериш билан бир вақтда ҳар бирига шундай мажбурият ҳам, иккинчидан, ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир ўз фаолият йўналишлари бўйича соҳавий дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, учинчидан, ҳуқуқбузарликлар профилактикасида иштирок этувчи орган ва муассасаларни ҳамкорликка жалб этиш ва улар билан ҳамкорлик қилиш мажбуриятларини юклайди.

Ички ишлар органлари: мамлакатдаги, айрим минтақалардаги, туманлар ва шаҳарлардаги қриминоген вазиятни ўрганади, мавжуд кучлар ва воситалардан ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда уларни бартараф этишда фойдаланилиши самарадорлиги таҳлилини амалга ошириш; ҳуқуқбузарликларни, уларни содир этган шахслар ва ҳуқуқбузарликлардан жабрланганларнинг ҳисобини юритиш, ушбу маълумотларнинг таҳлилини амалга ошириш; амалдаги қонун билан назарда тутилган шахсларни профилактик ҳисобга олишни амалга ошириш; фаолияти тақиқланган ташкилотларга ва диний-экстремистик йўналишдаги гуруҳларга алоқадор бўлган шахсларни аниқлаш, уларга нисбатан чоратадбирлар кўриш; паспорт-виза режимига, фуқаролар ва юридик шахслар

томонидан ўқ-отар қуролни сақлаш қоидалари ва тартибига риоя қилиниши устидан назоратни таъминлаш, жиноятларни фош этишда ва терговга, судга келишдан бўйин товлаётган шахслар ҳамда бедарак йўқолган фуқаролар қидируvida иштирок этиш ваколатига эга.

Прокуратура органлари: ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунининг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назоратни; ҳуқуқбузарликлар профилактикасини, шу жумладан солиқ, валютага оид ҳуқуқбузарликлар, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш профилактикасини, шунингдек мазкур ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиш сабабларини ва уларга имкон берадиган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этишни; ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги қонун ижодкорлиги фаолиятида иштирок этишни; ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасаларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб боришни амалга оширади.

Давлат хавфсизлик хизмати органлари: ҳалқаро жиноий ташкилотлар фаолияти тўғрисидаги ахборотни тўплаш ва таҳлил қилишни, миллий хавфсизликка улардан келиб чикувчи таҳдид даражасини баҳолашни амалга ошириш, тегишли органлар ва муассасаларга зарур ахборотни тақдим этишни; тинчлик ва хавфсизликка қарши ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган шахсларнинг ҳисобини юритишни таъминлайди.

Адлия органлари: аҳоли ўртасида жамиятда ҳуқуқий онгни, ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга ва қонунийликни мустаҳкамлашга қаратилган ҳуқуқий тарғибот бўйича фаолиятни амалга ошириш ҳамда мувофиқлаштириб боришни; ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги қонун ижодкорлиги фаолиятида иштирок этишни; ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги қонун хужжатларига риоя этилиши устидан мониторинг ва назоратни амалга оширишини, ҳуқуқни

қўлланиш амалиётини такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритишни таъминлайди.

Давлат божхона хизмати органлари: божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши, божхона тўловларининг тўғри ҳисобланиши, тўлиқ ва ўз вақтида тўланиши устидан назоратни амалга ошириш; божхона соҳасидаги хуқуқбузарликлар профилактикасини, шу жумладан хуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон берадиган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш; божхона соҳасида хуқуқбузарликлар содир этган жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳисобини юритиш ҳамда мазкур маълумотларнинг таҳлилини амалга оширади.

Давлат солиқ хизмати органлари: солиққа оид хуқуқбузарликлар профилактикасини, шу жумладан бу хуқуқбузарликларнинг содир этилиш сабабларини ва уларга имкон берадиган шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этишни; солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўғри ҳисобланишини, тўлиқ ва ўз вақтида тўланиши устидан назоратни; солиққа оид хуқуқбузарликлар содир этган жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳисобини юритишни, мазкур маълумотларнинг таҳлилини амалга оширишни таъминлайди.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари: аҳолини иш билан таъминлаш чора-тадбирларини кўради, ишсизларни ҳисобга олишни ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини; меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш соҳасидаги хуқуқбузарликлар профилактикасини, шу жумладан мазкур хуқуқбузарликларнинг содир этилиш сабабларини ва уларга имкон берадиган шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этишни амалга оширади.

Таълимни давлат томонидан бошқариш органлари ва таълим муасасалари: таълим олувчилар, уларнинг ота-онаси ёки ота-онасининг ўрнини босувчи шахслар ўртасида хуқуқбузарликлар профилактикасини амалга

оширади, шу жумладан ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиш сабабларини ва уларга имкон берәётган шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этишни; таълим оловчиларда қонунга итоаткорлик хулқ-авторини шакллантиришга, уларга жамиятда қабул қилинган хулқ-автор нормалари ва қоидаларини сингдиришга йўналтирилган дастурлар ҳамда услубларни ишлаб чиқиш ва таълим муассасаларининг иш амалиётига жорий этишни; таълим оловчилар орасида ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган шахсларни аниқлаш ҳамда уларга нисбатан ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш чора-тадбирларини кўришни; таълим оловчиларнинг бандлигини ва бўш вақти мароқли ўtkазилишини таъминлаш мақсадида таълим муассасаларида ҳаммабоп спорт секциялари, техник ва бошқа тўгараклар, клублар ташкил этишни таъминлайди.

Давлат соғлиқни сақлаш тизими니 бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари: фуқароларнинг соғлигини сақлаш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасини, шу жумладан мазкур ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиш сабабларини ва уларга имкон берәётган шарт-шароитларни аниқлашни, бартараф этишни; аҳоли ўртасида санитария-гигиенага оид билимларни тарқатишни, шунингдек соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ишларини ташкил этишни; аҳоли ўртасида мунтазам тиббий текширувларни ташкил этишни; алкоголизмга, гиёхвандликка, заҳарвандликка, руҳий касалликларга, ОИВ инфекциясига, таносил касалликларига ва атрофдагилар учун хавфли бўлган бошқа касалликларга чалинган шахсларни аниқлашни, уларни ҳисобга олишни, текширувдан ўтказишни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси органлари: табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасини, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиш сабаблари ва уларга имкон берәётган шарт-шароитларни аниқлашни, бартараф этишни; табиатни муҳофаза қилиш соҳасида ҳуқуқбузарлик содир этган

шахсларнинг ҳисобини юритишни, ушбу маълумотларнинг таҳлилини олиб боришни таъминлайди.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РОЪЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2022. – 76 б.

2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // URL: <http://www.lex.uz>.

3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси // URL: <http://www.lex.uz>.

4. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси // URL: <http://www.lex.uz>.

5. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги “Ички ишлар органлари тўғрисида” ги қонуни. // URL: <http://www.lex.uz>.

6. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги «Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуни // URL: <http://www.lex.uz>.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрельдаги “Ишки ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг маъсулиятини кучайтириш чора тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5005 сонли фармони. // URL: <http://www.lex.uz>.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартағи «Хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2833-сонли қарори // URL: <http://www.lex.uz>.